



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни

назорат қилиш инспекцияси

("Ўзнефтьгазинспекция")

ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИ

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг вилоят ҳудудий бўлими (кейинги ўринларда "бўлим" деб аталади) вилоятда "Ўзнефтьгазинспекция"нинг махсус ваколатли таркибий қисми ҳисобланади.

Бўлим ўз фаолиятида маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил ҳисобланади ҳамда бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзнефтьгазинспекция"га ҳисоб беради.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд қарорлари, Олий Мажлис, Сенатнинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларига, Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган, умумий мажбурий тусдаги идоравий меъёрий ҳужжатларга, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда "Ўзнефтьгазинспекция" деб аталади) тўғрисидаги "Низом"га ва ушбу "Низом"га, "Ўзнефтьгазинспекция"нинг буйруқлари, фармойишлари, раҳбариятнинг кўрсатмалари, меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар, жамоа шартномаси ва инспекциянинг ички меҳнат тартиби қоидаларига амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини «Ўзнефтьгазинспекция» томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширади, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил ҳисобланади ҳамда бевосита «Ўзнефтьгазинспекция»га бўйсунди.

4. Бўлим ўз фаолиятини маҳаллий давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим "Ўзнефтьгазинспекция" нинг Марказий аппарати ва Техник кенгашига фаолияти юзасидан ҳисобот беради.

6. Бўлим - юридик шахс мақомига эга эмас ва бўлим номи кўрсатилган думалок муҳр ва бурчак тамғасига эга бўлиб, иш берувчининг бош ишончномаси асосида фаолият олиб боради.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари

2.1. Нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш.

2.2. Энергияни тежовчи давлат дастурларини, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни амалга оширади.

2.3. Нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини назорат қилиш.

2.4. Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш.

III. Бўлимнинг функциялари

3.1. Юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда текшириш.

3.2. Газдан белгиланган мақсаддан ташқари фойдаланилишига йўл қўймаслик ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар, газ истеъмолчилари (аҳолидан ташқари) ўзбошимчалик билан ўрнатиб олган газдан фойдаланиш қурилмаларини аниқлаш юзасидан газ сотувчи ташкилотлар ва газ узатиш ташкилотлари ишларини белгиланган тартибда назорат қилиш.

3.3. Энергияни тежовчи давлат ва ҳудудий дастурларни, нефть, газ, газ конденсати ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари бўйича лойиҳалар ва тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашади ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

3.4. “Ўзнефтьгазинспекция” топшириғига асосан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича зарур норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш.

3.5. Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш шоҳобчалари орқали сотиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссия ишчи органи функцияларини бажариш.

3.6. Нефть-газ тармоғи технологик объектларининг ишдан чиқиш сабабларини текшириш комиссияларининг ишида, кўрсатиб ўтилган объектлар ишдан чиқишининг олдини олиш ва уларнинг ишончлилигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда қатнашиш.

3.7. Ёқилғи истеъмол қилувчи корхоналар (қурилмалар), нефть-газ технология объектлари, нефть ва газ қудуқлари, нефть базалари, автомобиль ёнилгиси қуйиш шоҳобчалари (АЁҚШ), автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш шоҳобчалари (АКГТШ) ва автомобилларга газ қуйиш шоҳобчаларини (АГҚШ) қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлашда технология талабларига риоя этилиши юзасидан техник кўрикдан ўтказиб, лицензия олиш учун маълумотнома тайёрлашни ташкил этиш ҳамда АЁҚШ ларга хулосалар бериш.

3.8. Аттестация комиссиялари ҳамда нефть-газ технологик объектларини, нефть базаларини, АЁҚШ, АКГТШ ва АГҚШларни лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланишга топширишни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар муҳандис-техник ходимларининг нормалар ва қоидаларга доир билимларини текшириш комиссиялари ишида қатнашиш.

3.9. Курилиш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш тугалланганда ёқилгидан фойдаланувчи бир йилда 100 000 ва ундан ортиқ кубометр табиий газдан фойдаланувчи корхоналар асбоб-ускуналарни комплекс синаб кўриш, режим-созлаш ишлари ва табиий газ восита сифатида қўлланилганда газ қувурларини тозалаш ишлари учун газ узатишга рухсатнома бериш.

3.10. Хўжалик юритувчи субъектлар мурожаатига кўра, нефть, газ ҳамда конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини куриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда ўз ваколати доирасида минимал талаблар асосида техник кўрик ўтказиш.

3.11. Курилиши тугалланган нефть-газ технологик объектлари, нефть ва газ қудуқлари, нефть базалари, автоёнилғи қуйиш ва мойалмаштириш шоҳобчалари, автомобилларга компрессор воситасида газ тўлдириш шоҳобчалари ва автомобилларга газ тўлдириш шоҳобчаларини техник кўриқдан ўтказиш ва уларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари ишида иштирок этиш.

3.12. Тадбиркорлик субъектларида уларни ҳуқуқларини, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишга оид меъёрий ҳужжатлар талабларини бажарилиши ва уларга амал қилинишини тушунтириш, мавжуд ёқилгидан фойдаланиш қурилмаларини, технологияларни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш орқали ёқилғи сарфини камайтириш йўналишлари бўйича кенг кўламли профилактика ишларини тизимли тарзда ўтказишни ташкил этиш.

3.13. Тадбиркорлик субъектлари мурожаатларини қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва улардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериш.

3.14. Оммавий ахборот воситалари орқали нефть маҳсулотлари ва табиий газдан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича чиқишлар ташкил этиш.

3.15. Тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат интерактив хизматлари кўрсатувчи ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот – технологияларга мос равишда ишлашини таъминловчи инспекция маълумотлар баъзасини шакллантиришда иштирок этиш.

3.16. Интернет тармоғида инспекция веб-ресурсларини янада шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ўрнатилган тартибда инспекция марказий аппаратида тақлифлар киритиб бориш.

3.17. Инспекциянинг ички ва корпоратив тармоқларини яратиш, ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологияларини татбиқ этиш, қайта ишлаш, сақлаш ва маълумот ҳамда ахборот алмашинуви дастурий-қурилма воситаларини қўллаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштиришда иштирок этиш.

3.18. Инспекция ахборот ресурсларини тўлдириш, улар таркиби, тузилиши, ва интерактив хизматларини ривожлантириш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш.

IV. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

4.1. "Ўзнефтьгазинспекция" ваколатига кирувчи масалалар бўйича юридик шахслар фаолиятини белгиланган тартибда текшириш.

4.2. Юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш.

4.3. Текширишларга тегишли идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини жалб этишга тақлифлар бериш.

4.4. Текширишлар давомида текширилаётган объектларда аниқланган қонун бузилишлар ва камчиликлар бўйича "бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма"лар бериш.

4.5. Тургун ва кўчма лабораторияларда нефть маҳсулотлари намуналари сифатини мустақил равишда белгиланган тартибда таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар бериш.

4.6. Нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш, ҳисобга олиш, шунингдек нефть омборлари ускуналарининг техник ва метрологик ҳолати қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳоллари аниқланганда қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш.

4.7. Технологик объектлар қурилишини ва улардан фойдаланишни, уларни лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги нормалари ва қоидалари бузилган ҳолларда ва бу бузилишлар уларнинг ишончлилиги пасайишига олиб келса, шунингдек қурилиш буюртмачининг малакали техника назорати ва муаллифлик назорати билан таъминламаганда, қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш.

4.8. Лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун юридик шахсларнинг нефть, газ ҳамда газ конденсати қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, нефть маҳсулотларини сотиш, шунингдек магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида лицензияловчи органга таклифлар киритиш.

4.9. Текширилаётган объектларда, меъёрий-техник ҳужжатларнинг ушбу объектларнинг ишончлилигини ва нефть ҳамда газдан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича тегишли талабларига мос келмайдиган аппаратуралар, асбоб-ускуналар, материаллар ва буюмларни технологияларда қўлламаслик, уларни замонавий технологик асбоб ускуналарга алмаштириш ва технологияларни модернизация қилиш тўғрисида тегишли корхона ва ташкилотларга таклифлар киритишни “Ўзнефтьгазинспекция” билан келишиш.

4.10. Технологик объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишнинг амалдаги нормалари ва қоидаларидан асосли четга чиқишларни, агар ушбу ўзгартиришлар мазкур объектлардан фойдаланишнинг ишончлилигини пасайтиришга олиб келмаган ҳолларда тегишли органларга таклифлар киритишни “Ўзнефтьгазинспекция” билан келишиш.

4.11. Газ сотувчи, газ узатувчи ташкилотларга қуйидаги ҳолларда:

а) “Ўзнефтьгазинспекция”нинг руҳсатисиз бир йилда 100 000 ва ундан ортиқ кубометр табиий газдан фойдаланувчи корхоналарга газ берилганда;

б) газ сарфини ҳисобга олиш приборлари бўлмаган газдан фойдаланиш қурилмаларидан фойдаланилганда ёхуд газдан фойдаланувчи қурилмаларда лойиҳада назарда тутилган газ ёниши жараёнларини автоматик бошқариш воситалари ёки иссиқлик-техника назорати ёки газдан самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан қайта фойдаланиш асбоб-ускуналари бўлмаганда (бузилганда);

в) газдан фойдаланиш қурилмаларини ишга тушириш ва режим-созлаш ишларини ўтказиш муддатлари бузилганда қонунда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш.

4.12. Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланишда қоида бузилишлар учун юридик шахсларга нисбатан, уларнинг қайси идорага қарашлилигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан берилган ўз ваколатлари доирасида мансабдор ва масъул шахсларга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади ва уни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки жиноят ишлари бўйича шаҳар, туман судларига жўнатади.

4.13. “Ўзнефтьгазинспекция” ваколатига тегишли масалалар бўйича идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва корхоналардан зарур маълумотлар ва материаллар олиш.

4.14. Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиш, уларни сотиш, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва уларни ишлатиш бўйича зарур норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш тўғрисида “Ўзнефтьгазинспекция”га таклифлар киритиш.

4.15. Бўлимдаги мавжуд моддий техника бойликлари, ахборот технология воситалари, компьютер дастурлар ва ахборот тизимларини сақланиши, уларни соз ҳолда бўлиши ва улардан тўғри фойдаланишга, шунингдек мазкур Низомда белгиланган хизмат вазифаларини

зарур даражада бажармаганликлари учун бўлимнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

V. Бўлим фаолиятини ташкил қилиш

5.1. Вилоят ҳудудий бўлимнинг бошлиғи иш берувчининг бош ишончномаси асосида раҳбарлик қилади ва юкланган вазифалар ва функцияларни бажарилишини ташкиллаштиради.

5.2. Бўлим бошлиғи белгиланган тартибда бўлим томонидан ўтказиладиган текширишларни амалга ошириш учун хизмат топшириқлари, текшириш буйруқларини чиқаради.

5.3. Бўлим бошлиғи лавозимига кўра айти бир вақтда вилоятда нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш катта давлат инспектори ҳисобланади, бош мутахассис катта давлат инспектор, муҳандислар давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

5.4. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.